



## Зарурий мудофаа – шахснинг ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиш шакли сифатида

Андижон туман ИИБ Вояга етмаганлар масалалари бўйича катта инспектор  
психолог: **Сармонов Алимардон Обиджонович**

**Аннотация:** Ушбу мақолада "зарурий мудофаа" тушунчаси масаласи кўриб чиқилади, унинг мазмуни ҳуқуқ соҳалари орқали очиб берилади, шунингдек, фуқаролик ҳуқуқларининг ўзини ўзи ҳимоя қилишнинг бундай шаклидан фойдаланиш мисоллари келтирилган. Зарурий мудофаа қўлланилиши зарур бўлган шартлар ҳам ёритилган. Таъкидлаш жоизки, юқоридаги масалалар билан бир қаторда оқибатларнинг бошланиши масаласига ҳам тўхталиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** зарурий мудофаа, ўзини ўзи ҳимоя қилиш, фуқаролик ҳуқуқлари, фуқаролик ҳуқуқи, ҳимоя, юридик жавобгарлик, ҳуқуқ ва манфаатлар.

Шахс ҳуқуқларининг бузилиши оқибатида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг белгиланиши ўта муҳим аҳамиятга эга. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг ҳуқуқни бузган шахсга нисбатан қўлланилиши зарурий ҳолат сифатида фуқаролик ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга хизмат қилади. Шахсларнинг субъектив ҳуқуқи бузилганда вужудга келадиган зарарнинг қопланиши ва шу билан бирга фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чоралари қўлланилишининг муқаррарлиги ҳар доим мажбуриятлар бузилмаслигини таъминловчи омил ҳисобланади. Лекин, фуқаролик ҳуқуқида шундай ҳолатлар мавжудки, улар билан боғлиқ вазиятларда ва зарар етказилганда қарздор ёки зарар етказувчи фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликдан озод қилинади.

Бундай ҳолатларнинг мавжудлиги шу билан изоҳланадики, қарздор ёхуд зарар етказувчи шахс муайян мажбуриятнинг бузилиши уларнинг қаршилиги ва виждонан ҳалол ҳаракатларига қарамасдан вужудга келганини исботлай олсалар, жавобгарликка тортилмайдилар. Зеро, фуқаролик ҳуқуқида қолаверса, ҳуқуқ назарияси ҳамда ҳуқуқнинг бошқа соҳаларида ҳам шахсларнинг ҳаракатларига адолат ва оқилоналик мезонлари асосида баҳо берилади. Бу ҳолатлар эса, умумий ҳуқуқ тамойиллари<sup>1</sup> асосида муайян маънода ўлчанади.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни истисно этувчи, тўғрироғи фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликдан озод этувчи ҳолатлар жумласига, зарурий мудофаа ва охириги зарурат ҳолатида етказган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масалаларини киритиш мумкин.

Умумий қоидага кўра, зарурий мудофаа ва охириги зарурат барча турдаги юридик жавобгарликлар учун хос ҳисобланади. Одатда, зарурий мудофаа ва охириги зарурат жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик ва маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик соҳаларида кенг қўлланилади. Шу билан бирга юридик жавобгарликдан озод этувчи бу иккала ҳолат криминал (жиноий) ҳуқуқ соҳалари билан шуғулланган ҳуқуқшунос олимлар томонидан чуқур ўрганилган ва таҳлил этилган бўлсада, фуқаролик ҳуқуқида зарурий

<sup>1</sup> Бобоев Ҳ.Б. ва бошқ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 2000. –223 б.



мудофа ва охирги зарурат масаласи чуқур ўрганилмаган ва ҳаттоки, зарурий мудофаа ва охирги зарурат тушунчаларига ФКда таъриф ҳам берилмаган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 37-моддаси зарурий мудофаага мудофааланувчи ёхуд бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқларини жамият ёки давлат манфаатларини қонунга хилоф тажовузлардан тажовузчига зарар етказган ҳолда ҳимоя қилиш чоғида қилинган ҳаракат деб таъриф беради.

зарурий мудофаа муайян шартлар ва белгиланган чегаралар доирасида амалга оширилиши лозим. Акс ҳолда, ҳуқуқбузарга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти юкланади. Ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, зарурий мудофаа қуйидаги ҳуқуқий шартларга мувофиқ бўлиши талаб этилади.

- 1) тажовузга нисбатан;
- 2) мудофаага нисбатан.

Биринчи ҳолатда ҳуқуқбузарнинг (ёки тажовузчининг) ҳаракатларига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар ҳисобланиб улар жумласига қуйидагилар киради: а) тажовузнинг ижтимоий хавфлилиги, яъни ғайриҳуқуқийлиги (таъкид муаллифники – Н.Э.); б) тажовузнинг муқаррарлиги; в) тажовузнинг реаллиги; г) тажовузнинг ҳақиқатдан содир бўлиши<sup>2</sup>.

Тажовузнинг ижтимоий хавфлилиги шу билан ифодаланадики, бунда тажовуз ёки ҳаракат ҳуқуқ меъёрларига зид бўлиши, ғайриҳуқуқий аҳамият касб этиши лозим. Тажовуз ёки зарар етказувчи ҳаракати ҳуқуққа хилоф бўлмаса бу ҳолатда ҳаракатни зарурий мудофаа сифатида баҳолаб бўлмайди. Масалан, милиция ходимининг жиноятчини қўлга олиш юзасидан амалга оширадиган ҳаракати (қўпол айтганда “тажовуз”, яъни жисмоний куч ишлатиш орқали бажариладиган ҳаракат)ни ижтимоий хавфли ёки ғайриҳуқуқий дейиш мумкин эмас. Ёки вахтадаги қоровулни фуқарони тегишли ҳужжат ёки рухсатсиз бинога киришга йўл қўймаслик ҳаракати ҳам ижтимоий хавфли ёки ҳуқуққа хилоф ҳолат сифатида баҳоланмайди.

Тажовузнинг муқаррарлигида ҳуқуққа хилоф ҳаракатнинг бошланиш ва тамом бўлиш вақти ҳисобга олинади. Ф.Тохировнинг фикрича, муқаррарлик деб тажовуз бошланган, лекин ҳали тугалланмаган ижтимоий хавфли ҳаракатга айтилади. Ф.Тохиров ўз фикрини қуйидаги мисол билан асослайди. Масалан, қонун билан кўриқланадиган объектга зарар етказилган ёки зарар етказилиши мумкинлиги унинг аниқ мавжудлигидадир<sup>3</sup>.

Бунда Ф.Тохиров билдирган фикр тажовузга нисбатан муқаррарлик тушунчасининг қисқача баёнини очиб берган бўлсада, у томонидан келтирилган мисол муқаррарлик атамасининг ҳуқуқий табиатига мос тушмайди. Чунки, Ф.Тохиров ўз фикрида “муқаррарлик бошланган, лекин ҳали тугалланмаган ҳаракат” эканлигини таъкидлайди. Мисолда эса, ҳаракатнинг тамом бўлиши (зарар етказилиши – бу ҳаракатнинг тамом бўлганлигини ифодалайди) ҳам муқаррарлик мисолида кўрилади.

Фикримизча, “тажовуз” ёки ғайриҳуқуқий ҳаракатнинг муқаррарлиги айнан шу тажовуз ёки ғайриҳуқуқий ҳаракатни тўтатишнинг имкони йўқлиги, уларни зарар етказмасдан тўтатишнинг чорасизлиги сифатида тушуниш лозим. Зеро, зарурий мудофаа ҳолатида “муқаррарлик” айнан шундай маъно касб этади. Зарарни вужудга

<sup>2</sup> Расулов О.Х. Совет жиноят ҳуқуқи. –Т.: –169-174 б.; Абдухолиқов М.А. ва бошқалар. Жиноят ҳуқуқи. –Т.: Адолат. 1998. –111-113 б.

<sup>3</sup> Абдухолиқов М.А. ва бошқалар. Жиноят ҳуқуқи. –Т.: Адолат. 1998. –112 б.



келтирувчи зарурий мудофаа ҳаракатида тажовуз ва ғайриҳуқуқий ҳаракатнинг амалга оширилиши аниқ кўришиб турган бўлиши керак.

Тажовузнинг ҳақиқатан содир бўлишигина зарурий мудофаани қўллашга асос бўлади. Баъзи ҳолатларда эса, зарурий мудофаа тажовуз бошланишидан олдин ҳам вужудга келиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 1992 йил 13 ноябрдаги «Ижтимоий хавfli тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги қарорига мувофиқ, зарурий мудофаа ҳолати фақатгина ижтимоий хавfli тажовуз юз берган пайтнинг ўзигагина эмас, балки тажовузнинг яна бошланиш хавфи мавжуд бўлган ҳолларда ҳам вужудга келади. Зарурий мудофаа ҳолати тажовуз тугагандан сўнг ҳам бўлиши мумкин. Агар ҳимояланувчи иш ҳолатларига кўра, тажовуз тугаган вақтини англай олмаган бўлса, ҳужум вақтида тажовузга нисбатан ва бошқа ашёларнинг ҳимояланувчининг қўлига ўтиб қолишининг ўзи тажовуз тугаганлигидан далолат бермайди<sup>4</sup>. Тажовуз мудофааланувчининг ҳаёлида эмас, балки амалда бўлиши керак. Масалан, «Айкидо» билан шуғулланувчи фуқаро С. Кечки пайт машғулотлардан қайтаётганда йўлда унга нотаниш 4 киши рўпара келиб, озроқ пул бериб туришни сўраган. С. Пули йўқлигини айтади ва пул сўраганлардан бири фуқаро Д. Уни ҳақорат қилади. С.нинг ҳаёлида «улар тўрт киши бўлиб улар ҳужум қилишса керак» деган фикр ўтади ва у улардан бири фуқаро Д.ни айкидо усуллари қўллаб қўлини, иккинчиси фуқаро А.ни жағини синдиради ва қочиб қолади. Бунда С.нинг ҳаракатларида зарурий мудофаа ҳолати эмас, аксинча ҳуқуққа хилофлик мавжуд. Бунинг учун жиноий жавобгарликка тортилиши кераклиги билан бирга, у жиноий ҳаракати натижасида фуқароларнинг соғлиғига етказилган зарарни ҳам тўлаши лозим.

Мудофаага нисбатан зарурий мудофаа шартлари қуйидагилардир: а) зарурий мудофаага фақат тажовузчига зарар келтирилиши мумкинлиги; б) зарурий мудофаа орқали шахс жамият ва давлат манфаатлари ҳимоя қилинади; в) мудофаанинг зарурат ҳолатидан четга чиқмаслиги керак<sup>5</sup>. Одатда, зарурий мудофаа фақат ҳуқуқбузарга, яъни тажовузчига қаратилади. Лекин айрим ҳолларда зарурий мудофаа ҳаракати натижасида учинчи шахсларга ҳам зарар етказилиши мумкин. ФКнинг 987-моддасига мувофиқ, агар ғайриқонуний тажовуздан ҳимояланиш пайтида ҳимояланувчи учинчи шахсга зарар етказган бўлса, бу зарар тажовуз қилган шахс томонидан тўланиши лозим.

Шахсга, унинг жиноий ҳаракатларининг пайини қирқиш ёхуд уни ушлаш ва тегишли органларга олиб бориш сабабли етказилган зарар тўланмайди.

Ҳимоя қилинаётган манфаатлар ҳам фақатгина шахс жамият ва давлат манфаатлари бўлиши мумкин. ғайриқонуний манфаатлар зарурий мудофаа орқали ҳимоя қилиниши орқали етказилган зарар қопланади.

Зарурий мудофаанинг чегараси муайян вазиятда ҳуқуқбузарга етказилган зарар билан ҳимоя қилинаётган манфаат, мудофааланувчи ва тажовузкорнинг жисмоний ҳолати ва бошқа жиҳатларига кўра аниқланади. Агарда зарар зарурий мудофаа

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Бюллетени. 1992 йил. №11.

<sup>5</sup> Расулов О.Х. Совет жиноят ҳуқуқи. –Т.: –177 б.; Абдуҳолиқов М.А. ва бошқалар. Жиноят ҳуқуқи. –Т.: Адолат. 1998. –113–114 б.



чегарасидан четга чиқиб етказилса, ана шу четга чиқилган қисми мудофааланувчи томонидан қопланиши керак.

Аммо шуни таъкидлаш керакки, фуқаролик ҳуқуқида "зарурий мудофаа" тушунчаси жиноят ҳуқуқига қараганда анча кенгрокдир. Жиноят қонуни ушбу атама остида ҳимоячининг ушбу жиноят таркибининг белгиларини ўз ичига олган, аммо бундай деб тан олинмайдиган ҳаракатларини белгилайди. Фуқаролик ҳуқуқи жиноят белгиларини ўз ичига олмайдиган, аммо ҳуқуқбузарлик белгиларига эга бўлган ҳаракатларни ҳам ўз ичига олади. Керакли ҳимоя фақат ҳимоячи ёки унинг мулкига бирон бир хавф туғдирганда қўлланилиши мумкин, бошқа барча ҳолатларда бу атамани ишлатиш мумкин эмас.

Зарурий мудофаанинг мазмуни бўлган ҳаракатлар муайян шартларга эга, агар унга риоя қилган ҳолда, уни бошқарадиган фуқаро у ёки бу турдаги жавобгарликка тортилмаслиги мумкин. Биринчидан, айбдорнинг хатти-ҳаракати ҳақиқий бўлиши керак, яъни ҳақиқий, иккинчидан, бу ҳаракатлар ноқонунийдир ва учинчидан, бу хатти-ҳаракатлар зарурий мудофаа чегарасидан ошиб кетишига йўл қўймаслик керак.

Хулоса қилиб айтганда, зарурий мудофаа ҳужумчи учун ҳам, ҳимоячи учун ҳам ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайдиган ўзини ўзи ҳимоя қилиш шакли деган хулосага келиш мумкин. Шу билан бирга, ушбу ҳаракатларни амалга ошириш учун барча шартларга риоя қилиш, шунингдек, хавф даражаси ва хусусиятини ҳисобга олиш керак, акс ҳолда тегишли талабларни бузган ҳолда зарурий мудофаага муурожаат қилиш юридик жавобгарлик белгиланишига сабаб бўлади.